

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.B.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

АБДИНИЯЗОВА ГУЛНАРА ЖОЛДАСБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ДОРИВОР ВА АСАЛ-ШИРАЛИ
ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА
ҲОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации
доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of
doctor of philosophy (PhD)**

Абдиниязова Гулнара Жолдасбаевна

Қорақалпоғистоннинг доривор ва асал-ширали ўсимликларининг
ҳозирги ҳолати ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари..... 5

Абдиниязова Гулнара Жолдасбаевна

Современное состояние лекарственных и медоносных растений
Каракалпакстана и пути их рационального использования..... 21

Abdiniyazova Gulnara Joldasbaevna

Current state of medicinal and melliferous plants of Karakalpakstan and
way of their rational use 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.B.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

АБДИНИЯЗОВА ГУЛНАРА ЖОЛДАСБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ДОРИВОР ВА АСАЛ-ШИРАЛИ
ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА
ҲОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.2.PhD/B81 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.flora_fauna.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хожиматов Олимжон Қаҳҳарович
биология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Хасанов Фурқат Орунбаевич
биология фанлари доктори, профессор

Мамутов Низамиддин Караматдинович
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Ботаника институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.B.39.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «22» декабр куни соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй. Ботаника институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: botany@academy.uz).

Диссертация билан Ботаника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (23 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй, Тел.: (+99871) 262-37-95.

Диссертация автореферати 2017 йил «06» декабр куни тарқатилди.
(2017 йил «06» декабрдаги 8 рақамли реестр баённомаси)

К.Ш. Тожибаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

Б.А. Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н.,
катта илмий ходим

Ф.О. Хасанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий
семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инсон саломатлигига хавф соладиган касалликларнинг 20000 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, уларни даволашда 15000 дан кўпроқ дори-дармонлар қўлланилади. Бу каби дориларни тайёрлашда 3000 номдаги хомашёлар ишлатилади ва уларнинг 35% дан ортиғи ўсимликлардан олинади. Шунга кўра, доривор ўсимлик турларини инвентаризациялаш, ресурсларини баҳолаш ва ишлаб чиқариш учун истиқболли турларини аниқлаш долзарб масалалардандир.

Бугунги кунда жаҳондаги ботаник тадқиқотлар ўзига хос хўжалик аҳамиятига эга ўсимлик гуруҳларини аниқлаш, ресурсларини баҳолаш, амалиётда фойдаланиш ва муҳофаза чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган. Сўнгги йилларда аҳоли сонининг ошиши доривор ўсимликлар ҳамда табиий асал ва асалари маҳсулотларига бўлган талабнинг ҳам ортишига олиб келмоқда. Бу ўринда, этноботаник тадқиқотлар асосида ҳудудларнинг доривор ўсимликлар таркиби аниқлаш, асал-ширالي турларини ажратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш аҳолини доривор ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга хизмат қилади. Шунга кўра, доривор ва асал-ширالي ўсимликларни инвентаризациялаш, конспектини тузиш, истиқболли турлар захиралари ва йиғиш мумкин бўлган майдонларини аниқлаш, доривор ўсимликларни касаллик гуруҳларига қараб таснифлаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Республикамиз мустақилликка эришгач, муҳим хўжалик аҳамиятига эга ўсимликларни инвентаризациялаш борасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилиб, бу борада, айниқса, мавжуд доривор ўсимликлардан фойдаланиш, асалчил ўсимликларни экиб кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослашган фарм-зоналар ташкил этиш, доривор ва асалчил ўсимликлар ассортиментини кенгайтириш ва хомашё базасини яратиш борасида муҳим натижаларга эришилди. Шу билан биргаликда, табиий ҳудудлар, хусусан Қорақалпоғистон доривор ва асал-ширالي ўсимликлари флорасини аниқлаш, рўйхатини тузишга етарлича эътибор қаратилмаган. Эркин иқтисодий фарм зоналарини ташкил этишда¹ «саноат плантациялари ташкил қилиш учун доривор ўсимлик турлари рўйхатини ишлаб чиқиш» ҳамда Ўзбекистон Республикасида асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирларида² «асаларичилик хўжаликларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, биофаол моддаларнинг янги манбалари сифатида Қорақалпоғистон доривор ўсимликларни аниқлаш, асал-ширالي ўсимликлари рўйхатини тузиш, мавжуд ресурсларини баҳолаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги ПФ-5032-сон “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида” ги Фармони.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги ПҚ-3327-сон “Ўзбекистон Республикасида асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори.

муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги ПФ-5032-сон “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида” ги фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2911-сон “Республика фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, 2017 йил 16 октябрдаги ПҚ-3327-сон “Ўзбекистон Республикасида асарарчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳудудий доривор ўсимликлар ва уларни халқ табobatiда қўлланилиши бўйича этноботаник маълумотлар хорижлик олимлардан Nidal A. Jaradat (2005), E.A. Singh, S.Y. Kamble, N.K. Vipinraj, S.D. Jagtap (2012), Ram Prakash (2014) ишларида келтирилган. МДХ мамлакатларида доривор ва асал-ширالي ўсимлик турларнинг биологик хусусиятлари, ишлатилиши, систематикаси, кимёвий таркиби, тарқалишига бағишланган тадқиқотлар О. Дадабаева (1996), Г.М. Бердымухамедов (2010), Н.Г. Гемеджиева (2012) ва бошқаларнинг илмий асарларида ёритилган.

Қорақалпоғистон ҳудудидаги табиий ҳолда ўсадиган доривор ва қисман асал-ширالي ўсимликлар бўйича маълумотлар С.Е. Ережепов (1971), доривор ўсимликларнинг тарқалиши А. Бахиев ва бошқ. (1983), доривор ўсимликларнинг захиралари бўйича С. Даулетмуратов (1991) тадқиқотларида келтирилган. Бироқ бу маълумотлар Қорақалпоғистон ҳудудининг доривор ва асал-ширالي ўсимликлари тўлиқ рўйхати ва уларнинг захиралари бўйича маълумотларни ўзида акс эттира олмайди. Шунга кўра, ҳудуд доривор ўсимликлари тўлиқ рўйхатини тузиш, этноботаник тадқиқотлар олиб бориш, асал-шира ўсимликларини инвентаризациялаш, хомашё захираларини аниқлаш ва амалиётга жорий этиш, муҳофаза чораларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф3-ТО20 «Жанубий Орол бўйидаги доминант ўсимликларнинг галомослашувлари, шўрхок чўл ўсимликлари» (2007-2011), ФА-Ф1-Г004 «Жанубий Орол бўйи биотаси ва табиий муҳитнинг трансформацияси динамикасини иқлимнинг ўзгариши ва гидрорежимнинг барқарор бўлмаган шароитида комплекс тадқиқ этиш» (2012-2016)

мавзуларидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистондаги доривор ва асал-ширали ўсимлик турларини аниқлаш ҳамда истиқболли доривор ва асал-ширали ўсимликларнинг хомашё захираларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қорақалпоғистон Республикасида тарқалган доривор ва асал-ширали ўсимлик турларини аниқлаш ва рўйхатини тузиш;

доривор ва асал-ширали ўсимлик турлари ҳаётий шакллари, ареал типлари бўйича таҳлилини амалга ошириш;

доривор ва асал-ширали ўсимликларнинг экологик гуруҳлар бўйича таҳлил қилиш;

маҳаллий аҳоли томонидан фойдаланадиган доривор ўсимлик турларини аниқлаш учун этноботаник тадқиқотлар ўтказиш;

доривор ўсимликларнинг касалликлар гуруҳларига қараб таҳлил қилиш;

истиқболли доривор ўсимлик захираларни йиғиш мумкин бўлган жойларини аниқлаш ва ареалларини кўрсатган ҳолда харитасини тузиш;

Қорақалпоғистон ҳудуди учун камёб, муҳофазага муҳтож ва Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган доривор ўсимлик турларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти Қорақалпоғистон ҳудудидаги доривор ва асал-ширали ўсимлик турлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети халқ табобатида ишлатилаётган доривор ва асал-ширали ўсимлик турларининг таксономияси, географияси, экологияси ҳамда истиқболли турларнинг хомашёси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда маршрутли-рекогносцировка, ареологик, биоморфологик, анъанавий ботаник, ресурсшунослик ва хариталаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қорақалпоғистонда доривор ўсимликларнинг 63 оила, 240 туркумга кирувчи 444 турининг, асал-ширали ўсимликларнинг 42 оила, 125 туркумга тегишли 207 та турининг рўйхати тузилган;

турларнинг тарқалиши, ҳаётий шакллари, ареал типлари, экологик гуруҳлари бўйича тарқалиши аниқланган;

доривор ўсимликларнинг халқ табобатида ишлатилиши бўйича этноботаник маълумотлар асосланган;

доривор ўсимликларнинг 261 тури ошқозон-ичак касалликларида, 171 тури паразитли касалликларда, 151 тури юрак-қон томири касалликларида ишлатилиши аниқланган;

доривор флоранинг 46% ни МДХ ва Шарқий Осиё давлатлари илмий тиббиёти ва халқ табобатларида қўлланилишини ўзаро ўхшашлиги очиқ берилган;

истиқболли 5 тур асал-ширали ва 8 тур доривор ўсимликларнинг хомашё захиралари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

доривор флоранинг муҳофазага муҳтож турлари рўйхати тузилган ва Қорақалпоғистон Республикасининг камёб ва йўқолиб кетаётган турларини аниқлаш, муҳофаза қилиш ва давлат кадастрини юритиш фаолиятига тавсия этилган;

ўрмон хўжаликлари фаолиятларида фойдаланиш учун Қорақалпоғистон доривор ва асал-ширالي ўсимликлари захирасини баҳолаш ва улардан хомашё тайёрлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган ва ГАТ хариталари тузилган;

Қорақалпоғистон Республикаси истиқболли доривор ўсимликлари тарқалган майдонлар, уларнинг ўртача ҳосилдорлиги, биологик захираси, ишлатиладиган захираси, хомашё тайёрлашнинг йиллик миқдорлари ишлаб чиқилган ҳамда доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш фаолиятига жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ва улар асосида олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, диссертация тадқиқоти амалий натижаларини ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий этилганлиги, таксономик гуруҳлар бўйича етакчи мутахассислар билан муҳокама қилинганлиги, дала тадқиқотлари давомида йиғилган бирламчи материалларни Ботаника институти Марказий гербарийсида (TASH) ҳамда Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти гербарийсида (KK) сақланаётганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, илк бор Қорақалпоғистон ҳудудидаги доривор, асал-ширالي ўсимлик турлари рўйхатини тузилганлиги, кенг қўламли ва этноботаник таҳлилларни амалга оширилганлиги, истиқболли доривор, асал-ширالي турлар ҳамда уларнинг хомашё захираларини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикамызда доривор, асал-ширالي ўсимлик захираларини баҳолаш, доривор турларни фармацевтика фаолиятига жалб этиш, асаларичиликда озуқа базасини тўғри ташкиллаштириш, доривор ва асал-ширالي турларни муҳофаза қилишга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистоннинг доривор ва асал-ширالي ўсимликларининг ҳозирги ҳолати ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари бўйича олинган натижалар асосида:

Қорақалпоғистон ҳудудидаги доривор ва асал-ширالي ўсимликларнинг тўлиқ рўйхати табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2017 йил 8 ноябрдаги ВН-02/02-4-2061-сон маълумотномаси). Натижада муҳофаза этиладиган турлар таркибини аниқлаш, камёб ва йўқолиб кетаётган турларни муҳофаза қилиш ва давлат кадастрини юритиш имконини берган;

доривор ва асал-ширари ўсимликларнинг хомашё захиралари бўйича ГАТ хариталари ўрмон хўжаликлари фаолиятига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитасининг 2017 йил 8 ноябрдаги 215-сон маълумотномаси). Натижада 8 та истиқболли доривор ва 5 та асал-ширари турлар захирасини баҳолаш ва улардан хомашё тайёрлаш имконини берган;

доривор ўсимлик захираларининг ҳолати ва улардан хомашё тайёрлаш бўйича маълумотлар “Шифобахш” доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш марказининг амалиётида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитасининг 2017 йил 8 ноябрдаги 215-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоғистон ҳудудидаги *Alhagi pseudalhagi* (M. Bieb.) Desv., *Glycyrrhiza glabra* L., *Ferula foetida* (Bunge) Regel, *Anabasis aphylla* L., *Artemisia scoparia* Waldst. & Kit., *Peganum harmala* L., *Salsola richteri* (Moq) Kar. ex Litv., *Sphaerophysa salsula* (Pall.) DC. доривор ўсимликлар тарқалган майдонларни аниқлаш, табиий ва йиллик фойдаланиладиган микдорини аниқлаш ва улардан сифатли доривор маҳсулотлар йиғиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш нашр этилган, шундан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қорақалпоғистоннинг табиий-географик тавсифи**» деб номланган биринчи бобида ҳудуднинг географик ўрни, геологияси ва геоморфологияси, иқлими, тупроқлари ва табиий ландшафтлари тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “**Ботаник тадқиқотларнинг қисқача тавсифи, тадқиқотнинг объекти ва методлари**” деб номланган иккинчи бобида илгари ҳудудда олиб борилган тадқиқотларнинг таҳлилига, бобнинг биринчи ва

иккинчи бўлимида Қорақалпоғистон флораси ва ўсимликлар қопламини ўрганишнинг тарихи келтирилган.

Илмий тадқиқот ишлари 2009-2017 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Қуйи Амударё, Оролқум, Қорақалпоғистон Устюрти, шимоли – ғарбий Қизилқум ва уларга туташ районларда олиб борилди.

Тадқиқот ва илмий экспедициялар давомида 1000 га яқин гербарий намуналари йиғилди ва аниқланди, уларнинг бир қисми ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтига топширилди. Гербарий намуналарини аниқлашда Иллюстрированный определитель высших растений Каракалпакии и Хорезма» (1982-1983), “Определитель растений Средней Азии” (1968-2015), “Флора Узбекистана” (1941-1962), шунингдек, ҳудудда тарқалган доривор ва асал-ширали ўсимликларнинг оилалари, туркумлари ва турларининг номларини аниқлашда халқаро индекс – International Plants Names Index (www.ipni.org), The Plant List (2016) (www.theplantlist.org), С.К. Черепанов (1995) маълумотларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг “**Этноботаник изланишлар ва уларнинг натижалари**” деб номланган учинчи бобида ҳудуднинг этноботаник маълумотлари ва Қорақалпоғистонда учрайдиган доривор ўсимликларнинг МДХ ва чет давлатлар халқ табobatiда қўлланилиши тўғрисидаги батафсил маълумотлар келтирилган. Қорақалпоғистон ҳудудига уюштирилган илмий экспедициялар мобайнида қорақалпоқ табиблари билан анкета шаклида сўроқ ўтказилиб йиғилган маълумотлар таҳлил қилинган.

Ҳудуд табиблари қуйидаги *Althaea armeniaca* Ten., *Plantago lanceolata* L., *Alhagi pseudalhagi* (Bieb.) Fisch., *Glycyrrhiza glabra* L., *Cichorium intybus* L., *Peganum harmala* L., *Heliotropium arguzioides* Kar. & Kir., *Salsola richteri* (Moq.) Kar. ex Litv., *Portulaca oleracea* L., *Eruca sativa* Mill., *Cynanchum sibiricum* Willd., *Populus ariana* Dode, *Elaeagnus angustifolia* L., *Xanthium strumarium* L., *Haloxylon ammodendron* (C.A.Mey.) Bunge ex Boiss., *Zygophyllum oxianum* Boriss., *Halostachys belangeriana* (Moq.) Botsch., *Morus alba* L., *Ferula foetida* (Bunge) Regel, *Salix songarica* Anderss. ва бошқа ўсимлик турларидан фойдаланади.

Этноботаник тадқиқотларнинг натижаларига кўра, тадқиқот ҳудудидаги яшовчи аҳоли доривор ўсимликларнинг халқ табobatiда ишлатиш бўйича ноёб маълумотларга эга. Афсуски, халқ табobatiга тегишли бўлган тажрибали маълумотларга эга одамлар табиий ҳолда камайиб кетмоқда, маълумотларни биладиган одамларнинг аксарияти қишлоқнинг кекса одамлари бўлгани учун халқ табобатининг бой тажрибаси йўқолиб бормоқда.

Шунга кўра, яқин келажакда биологларни, тиббиёт ходимлари ва шу соҳага қизикувчи мутахассисларни этноботаник маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашга йўналтириш, келажакда илмий тиббиётда қўллаш ишларини фаоллаштириш керак.

Шунингдек, этноботаник тадқиқотларни таҳлил қилиш натижасида ҳудуддаги 203 та (46%) ўхшаш (бир хил) ўсимлик турлари МДХ давлатларида,

Хитой, Корея, Япония ва бошқа давлатлар ҳудуди илмий тиббиёт ва халқ табобатларида кенг миқёсда қўлланилади ва мос келадиган тадқиқотларни Республикамизнинг тиббиёт амалиётида жорий қилиш мумкин.

Диссертациянинг “Тадқиқот олиб борилган ҳудуддаги доривор ўсимликларнинг таҳлили” деб номланган тўртинчи бобида ҳудудда тарқалган доривор ўсимликларнинг таҳлили тўғрисидаги маълумотлар батафсил келтирилган.

Биринчи бўлимида таксономик таҳлили, табиатга уюштирилган кўп йиллик қатор илмий дала тадқиқотлари якуни, халқ орасидан йиғилган этноботаник маълумотлар асосида ҳамда ЎзР ФА Ботаника институтида (TASH) ва ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтида (КК) сақланаётган гербарий материалларидан, мавжуд илмий адабиётлардан фойдаланган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида табиий ҳолда ўсадиган доривор ўсимлик турларининг рўйхати тузилган. Улар айти пайтда 63 оилага мансуб, 240 туркумга тегишли 444 турни ташкил этади.

Таксономик таҳлил давомида, Қорақалпоғистондаги доривор флоранинг асосий қисмини филогенетик нуқтаи назардан 437 турни ёки 98,42%ни ёпиқуруғлилар (*magnoliophyta*) ташкил қилади, шундан икки уруғпаллалилар (*Magnoliopsida*) 86,26%, бир уруғпаллалилар (*Liliopsida*) 12,16% ини ташкил қилади (1 - жадвал).


1-жадвал

Қорақалпоғистоннинг доривор флорасининг таксономик гуруҳлар бўйича тақсимланиши


Бўлимлар	Сони			Доривор ўсимликлар, флора, %	Умумий флора, %
	оила	туркум	тур		
Equisetophyta	1	1	2	0,45	0,18
Polypodiophyta	1	1	1	0,22	0,09
Pinophyta	1	1	4	0,90	0,36
Magnoliophyta:	60	237	437	98,42	39,36
Magnoliopsida	47	202	383	86,26	34,50
Liliopsida	13	35	54	12,16	4,86
Жами:	63	240	444	100	40

У бир томондан флористик жиҳатдан хилма-хил бўлса, бошқа томондан, замонавий тиббиёт билан боғлиқлиги, ғарб ва шарқ анъанавий табобатидан фарқ қилиши, қадимий доривор ўсимликлар турига интилиш, яқинлашиш яққол сезилади.

Доривор ўсимликларнинг етакчи 10 оилаларида жами турларнинг 61,26% дан ортиқроқ қисми жамланган (1-расм). Бу ердаги туркумлар ва турлар бўйича спектрлар Ўзбекистон ва Ўрта Осиё бошқа ҳудуд флораларининг умумий спектрига ҳам жуда ўхшаш. Доривор турлар сони бўйича етакчилик қиладиган 15 туркумдаги турлар спектри 2-расмда келтирилган.



1-расм. Қорақалпоғистоннинг доривор флорасининг етакчи оилалари



2-расм. Қорақалпоғистондаги доривор ўсимликларнинг етакчи туркум турларининг спектри

Маълумотлардан кўриниб турибдики, бу етакчи туркумлардаги турлар сони, 108 та турни ташкил қилиб, Қорақалпоғистондаги доривор ўсимликларнинг 24,24% эгаллайди.

Иккинчи бўлимда доривор ўсимликларнинг ареологик таҳлили амалга оширилган. Таҳлил натижаларига кўра худуд флораси 7 та ареал синфига жамланган 23 типларга бирлашган. Шунингдек, синфлар бўйича: Турон – 87 тур (19,6%), Эрон-Турон – 44 тур (9,90%), Ўрта Осиё – 61 тур (13,73%), Қадимги Ўртаер – 137 тур (30,85%), Палеарктика – 41 тур (9,23%), Голарктика – 33 тур, (7,43%), Плурегионал – 41 турни (9,23%) ташкил этди. Бу шундан

далолат берадики, маҳаллий халқлар ўзларида ўсаётган доривор ўсимликлардан фойдаланишни афзал кўрадилар, чунки узоқ йиллар давомида ҳудуднинг эколого-климатик шароитларга мослашганидан дарак бериши билан касалликларни келиб чиқиши ҳамда тарқалиши ўзига хослигидадир.

Учинчи бўлимида ўсимликлар ҳаётий шакллари таҳлил қилишда С. Raunkier (1934) таснифидан фойдаланиб 5 та гуруҳга бўлиб ўрганилди. Улар: 1). Микрофанерофитлар ва Нанофанерофитлар (58), 2). Хамефитлар (42), 3). Гемикриптофитлар (156), 4). Кристофитларга (28), 5). Терофитлар -163 турларни ташкил қилди.

Тўртинчи бўлимда ўсимликларнинг экологик гуруҳлари бўйича таҳлил қилинди (2-жадвал).

2-жадвал

Қорақалпоғистондаги доривор ўсимликларининг экологик таҳлили

№	Гуруҳлар	Турлар сони	Умумий доривор ўсимликларга нисбатан, % ҳисобида
1.	Псаммофитлар	249	56,1
2.	Петрофитлар	159	35,81
3.	Гипсофитлар	143	32,2
4.	Галофитлар	117	26,35
5.	Тўқай ўсимликлари	112	25,22

Аммо, жадвалда кўрсатилган маълумотлардан ташқари, шунингдек, псаммофитлардан 67 тур, гипсофитли тупроқларда, 62 тур шўрланган ерларда, петрофитли тупроқлардаги 88 тур қумли тупроқларда, 40 тур гипсофитли, 30 тур шўрли ва 30 тўқайларда ўсади; гипсофитларда ҳам шунингдек, 67 тур қумли жойларда, 53 таси тошлоқли тупроқларда ва 18 тур тўқайларда учрайди; галофитли ўсимликларнинг 47 тури қумли жойларда, 36 тури шўр гипсли жойларда, 37 тури тошлоқ ерларда, 23 та тури эса тўқайларда учрайди; тўқай ўсимликларининг 25 тури қумли ерларда, 14 тури гипсли ерларда ва 27 тури тошлоқ жойларда ўсади.

Бешинчи бўлимида доривор ўсимликларнинг касалликлар гуруҳларига қараб тақсимланиш маълумотлари келтирилган. Касаллик гуруҳларини аниқлаш учун М.С. Абдуллаходжаева (1997) томонидан ишлаб чиқилган асосий касалликларнинг таснифидан фойдаланилди. Касаллик гуруҳларга тақсимлашда, фойдаланиш тартибини таҳлил қилишда асосий анатоми – топографик ўзгаришлар (ўпка, юрак, буйрак, жигар касалликлари) ҳамда қайси жинсга тааллуқлиги, ёши (аёллар, болалар, кексалар касалликлари) ҳисобга олиш зарур.

Бунда ўсимликларнинг энг кўп ишлатиладиган касаллик гуруҳлари қуйидагича: ошқозон-ичак трактида 59 оила, 169 туркум, 261 тур; паразитли касалликларда – 52 оила, 130 туркум, 171 тур; юрак-қон томири тизимидаги касалликларида – 46 оила, 107 туркум, 151 тур, тери касалликларида – 47 оила, 100 туркум, 129 тур, инсоннинг асаб тизими касалликларида – 44 оила, 97 туркум, 121 тур, сийдик чиқарувчи йўллар тизимида – 40 оила, 82 туркум, 107

тур, гинекологик касалликларда – 40 оила, 77 туркум, 97 тур, механик жароҳатлар ва куйиш ҳолатларида – 37 оила, 69 туркум, 86 тур, онкологик касалликларда – 33 оила, 68 туркум, 80 тур, нафас олиш йўлларида – 28 оила, 55 туркум, 72 турлар.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур ҳудудда ҳозирги кунда илмий тиббиётда табиий ва маданий ҳолда ўсадиган фақатгина 80 та (18,2%) доривор ўсимлик турларидан фойдаланилади. Янгидан-янги доривор ўсимлик турларни аниқлашда ҳамда дори-дармон тайёрлашда турларнинг ўзаро яқинлигини (туркум ва оила) филогенетик жиҳатдан етарли эътибор қаратиш ҳамда ушбу гуруҳ касалликларни даволашда ишлатиладиган ўсимликларнинг хемотаксономик ва фармакодинамикасига чуқурроқ ёндашиш зарур.

Диссертациянинг бешинчи **“Қорақалпоғистон доривор ўсимликларининг захиралари ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари”** деб номланган бобида 8 истиқболли турларнинг тарқалиш майдонлари, ўртача ҳосилдорлиги, захираси, биологик ҳосилдорлиги ва йиллик йиғиш нормалар ҳақида маълумотлар берилган.

Тадқиқот ишида 8 истиқболли турларнинг хомашёсини тайёрлашнинг аниқ муддатлари кўрсатилмади, чунки бу ҳар хил омилларга, экологик, тупроқ-иқлим, об-ҳаво шароитларига боғлиқдир (3-жадвал). Йирик аҳоли яшаш жойларидан 100 км ораликдан узоқ жойлашган доривор ўсимликлардан хомашё тайёрлаш, иқтисодий жиҳатдан қулай эмас, шунки у ерда шоссе ва грунт йўллари мавжудлиги, катта сондаги ишчи кучлари зарур бўлади.

3-жадвалда ҳудудда хомашё захираси кенг тарқалган ўсимликларнинг хомашё тайёрланадиган қисмлари, ўртача ҳосилдорлик кг/га, қуруқ массаси, умумий тарқалиш майдонлари, биологик, ишлатиладиган ва мумкин бўлган йиллик йиғиш миқдори келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот олиб борилган ҳудуддаги асал-ширали ўсимликларининг таҳлили”** деб номланган олтинчи боби ҳудуддаги асал-ширали ўсимликларга бағишланган.

Биринчи бўлимида таксономик таҳлили келтирилган. Қорақалпоғистон ҳудудида табиий ҳолда ўсадиган асал-ширали ўсимликларнинг 42 та оилага мансуб, 125 та туркумга тегишли, 207 та турларининг рўйхати тузилди (4-жадвал).

Асал-ширали ўсимлик турларининг асосий қисмини икки уруғпаллалилар (*Magnoliopsida*) ташкил этади. Улар 194 турлардан иборат бўлиб, жами асал-ширали ўсимликлар флорасининг 93,72% ташкил этади. Шундан бир уруғпаллалилар (*Liliopsida*) 6,28% ташкил қилади.

Қорақалпоғистондаги истикболли доривор ўсимликларининг хомашё захиралари

№	Ўсимлик номи	Тайёрлан- диган қисми	Ўртача хосилдорлик, қуруқ масса кг/га	Умумий майдонларда га ҳисобида	Биологик захиралари, т	Ишлатиладиган ўсимлик захираси, т	Ўсимлик хомашёси тайёрлашнинг мумкин бўлган йиллик миқдори, т
1.	<i>Alhagi pseudalhagi</i>	ер устки	18,00 ± 1,44	24 554	1104,93 ± 88,39	368,31 ± 29,46	138,46 ± 11,08
2.	<i>Anabasis aphylla</i>	ер устки	77,62 ± 21,46	2 220	430,87 ± 119,13	143,62 ± 39,71	53,99 ± 14,92
3.	<i>Artemisia scoparia</i>	ер устки	7,15 ± 0,57	1 830	439,20 ± 35,14	146,40 ± 11,71	55,04 ± 4,40
4.	<i>Glycyrrhiza glabra</i>	илдиз	1011,58 ± 126,86	11 128,5	6120,68 ± 734,48	1591,40 ± 244,83	244,83 ± 77,12
5.	<i>Ferula foetida</i>	илдиз	97,82 ± 3,26	1 980	484,23 ± 16,14	161,41 ± 5,38	60,68 ± 2,02
6.	<i>Peganum harmala</i>	ер устки	377,67 ± 26,44	1 125	1062,59 ± 74,38	354,20 ± 24,79	133,16 ± 6,60
7.	<i>Salsola richteri</i>	ер устки	1288,24 ± 90,17	40 664	3624,49 ± 253,70	1208,16 ± 60,41	454,20 ± 88,96
8.	<i>Spaerophysa salsula</i>	ер устки	154,2 ± 0,33	98	86,74 ± 0,19	28,91 ± 0,06	10,87 ± 0,02

4-жадвал

Қорақалпоғистон асал-ширали ўсимликларнинг таксономик гуруҳларининг нисбатлари

Бўлим	Сони			Асал-ширали турлар, флора, %	Умумий флора, %
	оила	туркум	тур		
Magnoliopsida	37	114	194	93,72	17,47
Liliopsida	5	11	13	6,28	1,17
Жами:	42	125	207	100	18,64

Юқорида кўрсатилган турларнинг 152 та тури дориворлик хусусиятига эга. Асал-ширага бой асосий 12 та оилада энг кўп турлар сони 150 (72,46%) ва туркум 82 (65,60%), умумий асал-ширали ўсимликлар флорасининг 72,46 % ни ташкил этди (5-жадвал).

5-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси флорасидаги асал-ширали ўсимликларнинг етакчи оилалари

№	Оила	Сони		
		туркум	тур	%
1.	<i>Asteraceae</i> Dumort.	19	33	15,94
2.	<i>Fabaceae</i> Lindl.	16	29	14
3.	<i>Brassicaceae</i> Burnett	19	28	13,52
4.	<i>Convolvulaceae</i> Juss.	3	10	4,83
5.	<i>Polygonaceae</i> Juss.	3	8	3,86
6.	<i>Tamaricaceae</i> Link	1	8	3,86
7.	<i>Poaceae</i> Barnhart	7	7	3,38
8.	<i>Salicaceae</i> Mirb.	2	6	2,90
9.	<i>Rosaceae</i> Juss.	4	6	2,90
10.	<i>Caryophyllaceae</i> Juss.	2	5	2,41
11.	<i>Zygophyllaceae</i> R.Br.	2	5	2,41
12.	<i>Lamiaceae</i> Lindl.	4	5	2,41
Жами:		82 (65,60%)	150 (72,46%)	72,42

Иккинчи бўлимида худуд флорасининг ботаник-географик таҳлили келтирилган бўлиб, улар, 17 ареал типга ва 7 синфларига мансуб эканлигини кўрсатган. Синфлар бўйича жумладан: Турон синфига – 43 тур (20,8%), Эрон-Турон синфига – 31 тур (15%), Ўрта Осиё синфига – 40 тур (19,04%), Қадимги Ўртаер синфига – 56 тур (27,04%), Палеарктика синфига – 6 тур (2,89%), Голарктика синфига – 20 тур (9,7%), Пюорегионал синфига – 11 тур (5,31%) тўғри келди.

Учинчи бўлимида асал-ширали ўсимликлар ҳаётий шакллариининг таҳлили ҳам С. Raunkier (1934) таснифи асосида таҳлил қилинди ва 5та гуруҳга

ажратилди. Улар: 1) Микрофанерофитлар ва Нанофанерофитлар 38-тур, 2) Хамефитлар 12-тур, 3) Гемикриптофитлар 75-тур, 4) Кристофитлар 7-тур, 5) Терофитлар 74-турларни ташкил қилди.

Тўртинчи бўлимида ҳудуддаги асал-ширали ўсимликларнинг 5 экологик гуруҳлар бўйича таҳлили келтирилган, уларнинг кўпчилиги псаммофитлар, чунки, мазкур ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мослаша олиши сабабли устунлик қилиши аниқланди (6-жадвал).

6-жадвал

Қорақалпоғистондаги асал-ширали ўсимликларнинг экологик таҳлили

№	Гуруҳлар	Турлар сони	Умумий асал-ширали ўсимликларга нисбатан % ҳисобида
1.	Псаммофитлар	116	56,03
2.	Петрофитлар	74	36
3.	Гипсофитлар	62	30
4.	Галофитлар	51	25
5.	Тўқай ўсимликлари	59	28,5

Шуни таъкидлаш керакки, айрим ўсимлик турлари турли хил экологик шароитларда учрайди.

Бешинчи бўлимида ҳудудда кенг тарқалган 5та асал-ширали ўсимликларининг: *Alhagi pseudalhagi*, *Glycyrrhiza glabra*, *Ferula foetida*, *Capparis herbacea*, *Halimodendron halodendron* хомашё захиралари бўйича маълумотлари берилган (7-жадвал).

7-жадвал

Қорақалпоғистонда кенг тарқалган асал-ширали ўсимликларнинг ҳосилдорлиги

№	Ўсимлик номи	Умумий майдон, га	Ҳосилдорлик, кг /га	Асал миқдори тоннада
1.	<i>Alhagi pseudalhagi</i>	22640	130 ± 6,5	2943,20±147,16
2.	<i>Glycyrrhiza glabra</i>	2856	55 ±3	157,08±8,70
3.	<i>Ferula foetida</i>	2425	90±4,5	218,25±10,91
4.	<i>Capparis herbacea</i>	870	65±3,25	56,55±2,83
5.	<i>Halimodendron halodendron</i>	2460	95±5,7	233,70±14,02

Диссертациянинг еттинчи боби “Қорақалпоғистон доривор ўсимликларининг “Қизил китоб”га киритилган турларини муҳофаза қилиш” деб номланган, биринчи бўлимида муҳофазага муҳтож доривор ўсимлик ҳақида маълумотлар келтирилган.

Қорақалпоғистонда ўсадиган ўсимликларнинг 10 тури Ўзбекистоннинг “Қизил китоби”га (2009) киритилган бўлиб, шундан 4 таси доривор ўсимликлар эканлиги тўғрисида маълумотлар берилган. Улар: 1) *Colchicum kesselringii*

Regel, 2) *Malacocarpus crithmifolius* (Retz.) C.A.Mey., 3) *Zizyphus jujuba* Mill., 4) *Vitis vinifera* L.

Иккинчи бўлимида ҳудуд учун 23 та камёб доривор ўсимлик турлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Улар: *Eminium lehmannii* (Bunge) O. Kuntze, *Asparagus turkestanicus* M. Pop., *Artemisia serotina* Bunge, *Jurinea cyanoides* (L.) Reichenb., *Helichrysum arenarium* (L.) Moench, *Heliotropium transoxanum* Bunge, *Rindera tetraspis* Pall., *Syrenia montana* (Pall.) Klok., *Acanthaphyllum korolkowii* Regel & Schmalh., *Atriplex moneta* Bunge, *Camphorosma monspeliaca* L., *Merendera robusta* Bunge, *Eremosparton aphyllum* (Pall.) Fisch. & C.A.Mey., *Melilotus officinalis* (L.) Pall., *Smirnovia turkestanica* Bunge, *Gagea reticulata* (Pall.) Schult & Schult. fil., *Calligonum eriopodum* Bunge, *Rosa majalis* Herm., *Populus ariana* Dode, *Salix songarica* Anderss., *Diarthron vesiculosum* (Fisch. & C.A.Mey. ex Kar. & Kir.) C.A.Mey., *Datura stramonium* L., *Galium pamiro-alaicum* Pobed. Шунини таъкидлаш керакки, бу каби камёбликнинг сабаби антропоген (янги ерларнинг ўзлаштирилиши, кон қазииш ишлари, аҳоли пунктлари ва йўлларнинг қурилиши, ўсимлик захираларидан оқилона фойдаланмаслик, чорва молларини боқииш ва мол ҳайдаб бориладиган йўллар) ва экологик-иқлимий омиллар (Орол денгизининг қурилиши муаммоси ва шўрланган ерлар) бўлмокда.

Илмий-тадқиқот натижаларига кўра, қуйидаги амалий тавсияларни бериб ўтишни лозим топдик: Қорақалпоғистон ҳудудида яшовчи аҳоли доривор ўсимликларнинг халқ табобатида ишлатиш бўйича ноёб маълумотларга эга. Халқ табобати илмига эга бўлган тажрибали мутахассислар табиий ҳолда камайиб кетмокда. Маълумотларни биладиган одамларнинг аксарияти қишлоқнинг кекса одамлари бўлгани учун халқ табобатининг бой тажрибаси йўқолиб бормокда. Шунга кўра, яқин келажакда биологларни, тиббиёт ходимлари ва шу соҳага қизиқувчи мутахассисларни этноботаник маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашга йўналтириш, келажакда илмий тиббиётда қўллаш ишларини фаоллаштириш керак.

Табиий доривор ўсимликлар ресусларидан оқилона фойдаланиш учун Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси “Шифобахш” доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш марказининг бойликлардан барқарор фойдаланишга имкон берадиган бир қатор керакли чора-тадбирлар таклиф қилинган. Бунда табиий флораларнинг ишлатиладиган захираларидан фойдаланишда тартиб қоидаларига қатъий риоя қилиш асосий талаблардан ҳисобланади.

Асаларичилик хўжаликларини ривожлантириш учун, асалариларнинг озуқа базасини кўпайтириш мақсадида ҳар томонлама фойдали бўлган, ҳам доривор, ҳам озуқабоп, ҳам асал-ширали бўлган ўсимликларни, масалан: *Elytrigia repens* (L.) Nevski, *Medicago sativa* L., *Medicago lupulina* L., *Glycyrrhiza glabra* L., *Acroptilon repens* (L.) DC., *Cichorium intybus* L., *Convolvulus arvensis* L., *Elaeagnus angustifolia* L. ва бошқа ўсимликларни экин майдонларини кенгайтириш лозим.

ХУЛОСАЛАР

«Қорақалпоғистоннинг доривор ва асал-ширали ўсимликларининг ҳозирги ҳолати ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида доривор ўсимликларнинг 63 оила ва 240 туркумга мансуб 444 та, асал-ширали ўсимликларнинг эса 42 оила, 125 туркумга мансуб 207 та тури тарқалган.

2. Доривор флорадаги ёпиқ уруғли ўсимликларнинг кўпчилик қисмини – (437 тур; 98,5%), шунингдек, 86,26% (383 тур) икки паллали ўсимликлар ташкил этади. Флорадаги доривор ўсимликларнинг етакчи (10) оилалари жами турларнинг 61,26% (272 тур) ташкил этган: *Amaranthaceae* (76), *Asteraceae* (47), *Fabaceae* (32), *Brassicaceae* (26), *Poaceae* (22), *Polygonaceae* (20), *Boraginaceae* (14), *Caryophyllaceae* (14), *Apiaceae* (11), *Ranunculaceae* (10). Қорақалпоғистон флорасининг 40% ни доривор ўсимликлар ташкил қилади.

3. Флоранинг 207 тур (18,65%) асал-ширали ўсимликлардан иборат. Асал-ширали ўсимликларнинг асосий систематик гуруҳларининг нисбатида, *Magnoliopsida* 194 тур (93,72%) ва *Liliopsida* 13 турни (6,28%) ташкил қилади. Етакчи 12 оилалари 72,46% ёки 150 турларни, шунингдек, 9 та етакчи туркумлар - 27,66% ёки 57 турлардан иборат.

4. Доривор ўсимликлар таркибида терофитлар – 163 тур, гемикриптофитлар – 154 тур, асал-ширали ўсимликлари эса гемикриптофитлар – 75 тур ва терофитлар – 74 турни ташкил этади. Фанерофит, хамефит, криптофитларнинг Ўрта Осиёдаги бошқа маҳаллий доривор флораларга нисбатан кам тарқалганлиги флоранинг нисбатан қурғоқчил эканлиги билан изоҳланади.

5. Флорада доривор ўсимликлар 7 синф 23 типи, асал-ширали турларнинг эса 7 синф 17 типига мансуб ареаллари мавжуд. Доривор ўсимликларнинг 137 тури (30,85%), асал-ширали ўсимликларидан 56 тури (27,04%) Қадимги Ўртаер синфига мансубдир.

6. Доривор ва асал-ширали ўсимликлар аксарият қисми псаммофит (56,1% – 56,03%) ва петрофитлардан (35,8% – 36%) ташкил топган бўлиб, бу флоранинг ҳудуд тупроқ-иклим шароитларига мос келади.

7. Қорақалпоғистон ҳудудидаги 203 турдаги (46%) доривор ўсимликлар МДХ давлатлари, Хитой, Корея ва Япония илмий тиббиёти ва халқ табобатларида ўхшаш касалликларни даволашда қўлланилиши, касалликларни келиб чиқиши ва шарқ анъанавий табобатида доривор ўсимликларни ишлатиш усуллари ўзаро яқинлигини изоҳлайди.

8. 444 турдаги доривор ўсимликлар 20 та асосий касаллик гуруҳларида фойдаланилади. Энг кўп сондаги доривор ўсимликларни ошқозон-ичак (261 тур) ва паразит касалликларида (171 тур) ишлатади.

9. Қорақалпоғистон доривор флорасида *Alhagi pseudalhagi* ишлатиладиган захираси 368,31 т., *Anabasis aphylla* – 143,62, *Artemisia scoparia* – 146,40, *Glycyrrhiza glabra* – 1591,40, *Ferula foetida* – 161,41, *Peganum harmala* – 354,20,

Salsola richteri –1208,16 ва *Spaerophysa salsula* – 28,91 т.ни ташкил этади. Флорада асал-ширали ўсимликлардан: *Alhagi pseudalhagi* – 2943,20 т., *Glycyrrhiza glabra* – 157,08, *Ferula foetida* – 218,25, *Capparis herbacea* – 56,55, *Halimodendron halodendron* – 233,70 тонна асал олиш мумкин.

10. Қорақалпоғистон доривор флорасида 4 тур (*Colchicum kesselringii* Regel, *Malacocarpus crithmifolius* (Retz.) С.А.Мей., *Zizyphus jujuba* Mill., *Vitis vinifera* L.) Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”на киритилган. Доривор флорада 23 камёб турларнинг 6 тури (26%) тўқай ўсимликларидан иборат.

11. Қорақалпоғистондаги истиқболли 8 та доривор ва 5 та асал-ширали ўсимликларнинг хомашё захиралари акс этган ГАТ хариталар доривор ўсимлик захираларидан оқилона фойдаланиш ва асаларичиликни ривожлантириш учун тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.B.39.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БОТАНИКИ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**КАРАКАЛПАКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК**

АБДИНИЯЗОВА ГУЛНАРА ЖОЛДАСБАЕВНА

**СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ЛЕКАРСТВЕННЫХ И МЕДОНОСНЫХ
РАСТЕНИЙ КАРАКАЛПАКСТАНА И ПУТИ ИХ РАЦИОНАЛЬНОГО
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ**

03.00.05 – Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.PhD/B81.

Диссертация выполнена в Каракалпакском научно-исследовательском институте естественных наук

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.flora-fauna.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz.)

Научный руководитель:

Хожиматов Олимжон Каххарович
доктор биологических наук

Официальные оппоненты:

Хасанов Фуркат Орунбаевич
доктор биологических наук, профессор

Мамутов Низаматдин Караматдинович
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация:

Гулистанский государственный университет

Защита диссертации состоится «22» декабря 2017 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.B.39.01 при Институте Ботаники и Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Актовый зал Института ботаники. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: botany@academy.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ботаники (зарегистрировано за № 23). Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Тел.: (+99871) 262-79-38.

Автореферат диссертации разослан «06» декабря 2017 года.
(реестр протокола рассылки № 8 от «06 » декабря 2017 года)

К.Ш. Тожибаев

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.б.н., профессор

Б.А. Адилов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.б.н., старший научный
сотрудник

Ф.О. Хасанов

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёных степеней, д.б.н.,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире существуют более 20000 видов опасных для здоровья человека заболеваний, при лечении которых применяется более 15 000 лекарственных средств. При изготовлении подобных препаратов используется около 3000 наименований сырья, более 35% которых получают из растений. В связи с этим, инвентаризация видов лекарственных растений, оценка их ресурсов и выявление перспективных для производства видов являются актуальными вопросами.

В настоящее время, в мире, ботанические исследования направлены на выявление хозяйственно-ценных групп растений, оценку их ресурсов, практическое использование и разработку мер их охраны. В последние годы увеличение численности населения приводит к увеличению спроса как на лекарственные растения, так и на натуральный мёд и продукты пчеловодства. В то же время, основываясь на этноботанические исследования, определение состава лекарственных растений в регионах, установление медоносных видов, и внедрение их в производство послужат удовлетворению потребностей населения в лекарственных и пищевых продуктах. Соответственно, инвентаризация лекарственных и медоносных растений, составление конспекта, выявление запаса перспективных видов и возможных площадей их сборов, классификация лекарственных растений по группам заболеваний имеют важное научное и практическое значение.

С обретением независимости нашей республики, были проведены широкомасштабные реформы по инвентаризации растений, имеющих важное хозяйственно-ценное значение, в этом отношении особое внимание уделялось использованию доступных лекарственных, выращиванию медоносных растений. На основании программных мер, осуществленных в данном направлении, достигнуты значительные результаты, в частности, по созданию специализированных на выращивании лекарственных растений фармацевтических зон, расширению ассортимента лекарственных и медоносных растений и созданию их сырьевой базы. В то же время не уделялось достаточное внимание определению и составлению списка лекарственных и медоносных растений природных территорий, в частности, Каракалпакстана. В создании свободных экономических фармацевтических зон¹ поставлены задачи «составление перечней лекарственных растений для создания промышленных плантаций», в мероприятиях по дальнейшему развитию отрасли пчеловодства в Республике Узбекистан² – «укрепление кормовой базы пчеловодческих хозяйств Республики Узбекистан». Исходя из этих задач, важно проводить научно-исследовательские работы по выявлению лекарственных растений Каракалпакстана в качестве новых источников биоактивных веществ, составлению списка медоносных растений, оценке существующих ресурсов и

¹ УП-5032 от 03.05.2017 года «О создании свободных экономических зон “Нукус-Фарм”, “Заамин-Фарм”, “Касансай-Фарм”, “Сырдарья-Фарм”, “Байсун-Фарм”, “Бустонлык-Фарм” и “Паркент-Фарм”»;

² ПП-3327 от 3 мая 2017 года «О мероприятиях по дальнейшему развитию пчеловодства Республики Узбекистан».

внедрению в производство.

Данное диссертационное исследование служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-5032 “О создании свободных экономических зон “Нукус-Фарм”, “Заамин-Фарм”, “Касансай-Фарм”, “Сырдарья-Фарм”, “Байсун-Фарм”, “Бустонлык-Фарм” и “Паркент-Фарм” от 3 мая 2017 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-2911 «О мерах по созданию благоприятных условий для ускоренного развития фармацевтической промышленности республики» от 20 апреля 2017 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-3327 «О мерах по дальнейшему развитию отрасли пчеловодства в Республике Узбекистан» от 16 октября 2017 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Этноботанические данные по региональным лекарственным растениям и использованию их в народной медицине приведены в работах зарубежных ученых Nidal A. Jaradat (2005), E.A. Singh, S.Y. Kamble, N.K. Bipinraj, S.D. Jagtap (2012), Ram Prakash (2014). В странах СНГ исследования, посвященные биологическим особенностям, применению, систематике, химическому составу и распространению освещены в научных трудах ученых О. Дадабаева (1996), Г.М. Бердымухамедов (2010), Н.Г. Гемеджиева (2012) и др.

Данные по лекарственным и частично медоносным растениям, произрастающим в естественных условиях на территории Каракалпакстана, приведены в исследованиях С.Е. Ережепова (1971), по распространению лекарственных растений А. Бахиева и др. (1983) и по запасам лекарственных растений в работах С. Даулетмуратова (1991). Однако, эти данные не могут отражать полный список и запасы лекарственных и медоносных растений на территории Каракалпакстана. В связи с этим, создание полного перечня лекарственных растений в регионе, проведение этноботанических исследований, инвентаризация медоносных растений, выявление сырьевых ресурсов, внедрение в практику и разработка мер их охраны имеют важное научно-практическое значение.

Связь темы диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена работа. Диссертационное исследование выполнено в рамках планов научно-исследовательских работ фундаментальных проектов Каракалпакского научно-исследовательского института естественных наук ФА-ФЗ-ТО20 “Галоадаптация доминантных растений Южного Приаралья и растения засоленных пустынь” (2007-2011), ФА-Ф1-Г004 “Комплексное исследование динамики трансформации природной среды и биоты Южного

